

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МОРХОВА ИНЕССА ВЯЧЕСЛАВОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ
ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Морхова Инесса Вячеславовна Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш	3
Морхова Инесса Вячеславовна Совершенствование технологии формирования творческой компетентности будущего учителя	25
Morkhova Inessa Vyacheslavovna Improvement of technology of formation of creative competence of future teacher	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МОРХОВА ИНЕССА ВЯЧЕСЛАВОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ
ИЖОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида 18.12.2020/Б2020.12.Ped351 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат педагогика
университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Юликаева Эльзара Решатовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогика фанлари
бўйича илмий даража берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил
«28» АИ соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail:
tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (1389 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор
тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» АИ куни тарқатилди.
(2020 йил «22» АИ даги 36 - рақамли реестр баённомаси)



Р.Х. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, п.ф.д., академик

Р.Г. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, илмий котиби, п.ф.н.

А.Х. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчининг креативлиги ва ностандарт фикрлаш тарзи билан боғлиқ ижодий компетентликни шакллантириш технологиялари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган. Сингапурда (Nanyang Technological University-Nanyang Business School) битирувчиларнинг креатив жиҳатлари учта муҳим сифатлар учлигига киритилган, Гамбург (ЮНЕСКО) ўқитиш жараёнида тўртта асосий жиҳат: “билиш учун ўқиш, уддалаш учун ўқиш, яшашга ўрганиш ва бирга яшашга ўрганиш”, ЮНЕСКОнинг “2014-2021 йилларга мўлжалланган Ўрта муддатли стратегияси”да иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида мутахассисларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиялари, компетенцияларни баҳолаш методологияси ва методикаси, касбий компетентликнинг интегратив моделини такомиллаштириш, Европа таълим даражасида компетенциялар ва малака (квалификация)ларни тан олиш ва валидлаш, компетенциялар индикаторлари даражаларини концептуал жиҳатдан асослаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, касбларнинг шаффофлигини кучайтириш, бўлажак ўқитувчининг касбий тикланиши, ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнида педагогик шарт-шароитларни такомиллаштириш технология ва моделларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бўлажак ижодкор педагог шахсини шакллантириш, профессионал таълимни жорий этиш, таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегияларини белгилаш, таълим сифатини ошириш ахборот методик таъминотини яратишнинг меъёрий асослари яратилди. Таълим муассасаларининг моддий техник базаси ривожлантирилди. Шу билан бирга “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг УП 4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракат дастури // Маърифат. – Тошкент, 2017. – № 6 (2453). – 10 февраль. – Б. 2.

тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижодкорликни шакллантириш методлари, усуллари ва технологиялари, ижодий қобилиятлар, касбий ва ижодий компетентлик, бўлажак мутахассисларни тайёрлашда компетенциявий ёндашув масалалари А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизходжаева, А.Р.Арипджанова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джўраев, Р.Г.Исянов, Х.И.Ибрагимов, Г.Н.Ибрагимова, А.Х.Махмудов, Н.А.Муслимов, К.Д.Рискулова, Э.А.Сейтхалилов, М.Б.Уразова, Б.Х.Ходжаев, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликаева кабиларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ижодий педагогик фаолиятнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, асосий қоидалари, ижодкор шахсни ривожлантиришнинг психологик назариялари, ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий концепциялари, ижодий касбий фаолиятга тайёрликни шакллантириш концепциялари В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, А.М.Маркова, Н.Д.Никандров, В.А.Сластёнин, Г.С.Сухобская, А.В.Тутолмин, Л.М.Фридман, В.Н.Харькин, А.В.Брушлинский, Э.А.Баранова, Л.С.Выготский, А.М.Матюшкин ва бошқ. ишларида кўриб чиқилган.

Ижодкорлик, ижодий қобилиятлар, компетентлик ва профессионализмни тадқиқ қилиш бўйича хорижий тажриба F.Barron, E.DeBono, G.Demos, E.From, Dj.Gilford, T.Lyubard, A.Maslou, K.Mushiru, K.Rodjers, A.Rou, R.Stenberg, S.Tordjman, Ye.Torrans, F.Zenasni ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий ишлар режасининг “Олий таълим муассасалари педагогик кадрларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш: акмеологик ёндашув” (2014-2015 йй.) инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқитувчилар тайёрлаш технология ва моделларини педагогик-психологик таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаш;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришга қаратилган касбий тикланиш моделини такомиллаштириш;

педагогик туркум фанларини ўрганиш ва педагогик амалиёт ўташ даврида бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришнинг шакл, метод, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммо билан боғлиқ педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, суҳбат, кузатиш, савол-жавоб, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов, математик статистика методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчини касбий ривожлантиришнинг таркибий қисмлари тизимли, компетенциявий ва шахсий-ривожлантирувчи ёндашувларни педагогик синтезлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчининг касбий тикланиш модели ижодий компетентликни ривожлантиришнинг касбий-таълимий, фаолиятли-ривожлантирувчи ва шахсий-ривожлантирувчи таркибий компонентларини умумпедагогик тайёргарлик тизимига трансформациялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари тикланиш, педагогик техниканинг аналитик-прогностик, рефлексия, гностик-конструктив кўникмаларни лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси модели педагогик жараён босқичлари, ўқув-ижодий фаолият методлари ва шакллари мажмуини аниқлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогик туркум фанларини ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг такомиллаштирилган технологияси воситасида касбий тикланиш модели ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш ахборот-методик тизими ўқитишнинг креатив методлари асосида яратилган;

педагогик туркум фанларини ўрганиш ва педагогик амалиёт ўташ даврида бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари жамлиги ва технологиясини амалда қўллашни таъминлайдиган дастур ва илмий-методик мажмуа яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методологик, комплекс ва тизимли ёндашувдан фойдаланилгани, қўлланган усул ва назарий

маълумотларнинг расмий манбалардан олингани билан белгиланади. Эмпирик ўрганиш асосида келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишининг самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асосланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинган, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси такомиллаштирилгани, педагогик туркум фанларини ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, натижалар бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси ва яратилган янги педагогик вазиятларни такомиллаштириш, такомиллаштирилган ахборот-методик таъминот – талабаларнинг ижодий компетентлигини ўқитишнинг креатив методлари асосида шакллантиришга хизмат қилади; ОТМ таълим жараёнига бўлажак педагогларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш модели татбиқ қилинган. Ишлаб чиқилган тавсиялар қўлланма ва методик ишланмалар яратиш, педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий тавсиялар асосида:

бўлажак ўқитувчини касбий ривожлантиришнинг таркибий қисмларини тизимли, компетенциявий ва шахсий-ривожлантирувчи ёндашувлар асосида ривожлантиришга оид таклифлар Педагогика билим соҳаси Давлат таълим стандарти ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2732-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчининг касбий тикланиш модели ҳамда касбий-таълимий, фаолиятли-ривожлантирувчи ва шахсий-ривожлантирувчи таркибий компонентларини умумпедагогик тайёргарлик тизимига трансформациялашга оид таклифлар “Теория и практика общей педагогики” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 89-03-2732-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг ўқитувчилик касбига қизиқиши ортишига хизмат қиладиган илмий-методик база яратилган;

бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси ҳамда ўқув-ижодий фаолият методлари ва шакллари мажмуини аниқлашга оид таклифлар “Социальная педагогика” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 87-03-1239-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу модель олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий ва касбий фаоллиги самарадорлик даражаси ортишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот юзасидан жами 39 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 1 та дарслик, 1 та ўқув кўлланма, 29 та мақола, шундан, 21 та республика журналлари ва 8 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

“Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясининг назарий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобда ижодий компетентлик ўқитувчи шахсининг ижтимоий аҳамиятли тавсифи ва унинг касбий ривожланиши сифатининг муҳим кўрсаткичи сифатида ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида ижодий компетентли ўқитувчини тайёрлаш заруратини белгилаб берган омиллар тавсифланган, ижодий компетентлик феноменини ўрганишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Компетенциявий ёндашувни ҳисобга олиш бўйича хорижий тажрибада таълим натижалари сифатининг компетенциявий талқинига нисбатан учта ёндашув ажратиб кўрсатилади: АҚШда – хулқ-атвор, Буюк Британияда – функционал, Франция ва Германияда – кўп ўлчамли ва яхлит. Бу ёндашувлар давр талаби билан бир-биридан мустақил равишда юзага келган.

Чунончи, А.В.Тутолмин компетенциявий ёндашувни ўрганар экан, одатий онг ва компетентлик бир маънода тасаввур қилинмайди: бир томондан, у ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хабардорлик, бошқа томондан, ходимнинг мажбуриятлари, унинг ваколатлари доираси сифатида тушунилади, учинчи томондан эса, у маълумотлилик, инсон профессионализми даражаси билан айнан бир хиллигини таъкидлайди.

Ўзбекистонлик олим ва педагоглар Р.Х.Джўраев, Н.А.Муслимов, А.Х.Махмудов, Ш.Э.Курбанов, Р.Г.Исянов, Э.А.Сейтхалилов, М.Б.Уразова, Б.Х.Ходжаев компетенциявий ёндашувни таълимнинг тарихий, ижтимоий-

маданий, касбий-фаолиятли жиҳатларига таянган ҳолда ўрганади. Улар томонидан касбий компетенциялар ва компетентликнинг тузилмаси ва таркиби касбий фаолиятнинг муайян бир соҳасига нисбатан қаралади. Чунончи, Б.Х.Ходжаев компетенциявий ёндашувни тадқиқ қилар экан, умумий ўрта таълимни модернизациялаш нуқтаи назаридан янги педагогик ҳодиса ҳисобланиши ва амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентликни бу ёндашув доирасида дидактик бирликлар сифатида қараш таълимнинг учта анъанавий элементи: “Билимлар – кўникмалар – малакалар”ни олтита бирлик: “Билимлар – кўникмалар – малакалар – амалий фаолият тажрибаси – компетенция – компетентлик” кўринишида таҳлил қилишни талаб этишини айтади. Таҳлил натижалари асосида умумтаълимий компетенция реал воқеликнинг аниқ белгиланган объектларига ўқувчининг самарали фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган шахсий ва ижтимоий аҳамият касб этадиган муносабатни талаб қилиши, унинг семантик йўналганлиги, билим, кўникма ва малакалар, шунингдек, фаолият тажрибасида акс этадиган таълимий тайёргарликка қўйиладиган талаблар мажмуасини нималар ташкил қилиши ҳақида хулосага келдик. Фикримизча, компетенциявий ёндашув – ўзини ўзи ижодий ривожлантириш учун кадриятларни ўзлаштиришда педагогик шарт-шароитларни яратишга қаратилган илмий-методологик концепциялар ва ташкилий асосларнинг йиғиндиси. Педагогик таълимни компетенциявий ёндашув нуқтаи-назаридан тадқиқ қилганда, шундан келиб чиқиш лозимки, ўқитувчи тикланишининг омилларидан бири, касбий компетентликни ривожлантириш ҳисобланади. Бундай ёндашув, замонавий ўқитувчи меҳнати сифатининг муҳим кўрсаткичи эгалланган касбий билимлар, ўқитиш ва тарбиялаш малакалари эмас, балки кўпроқ касбий-шахсий тикланиш, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришга ижодий ёндашув, уларнинг ақлий ва ижодий ривожланишида қўллаб-қувватлашга қодирликни таъминлайдиган касбий компетентлик экани билан белгиланади.

Диссертация тадқиқотида таркибий жиҳатдан компетенциялар интеграциясидан таркиб топган компетентлик мутахассиснинг шаклланиб улгурган билим, кўникма ва малакалар, педагогик фаолият усулларини эгаллаганликка асосланган касбий аҳамиятли шахсий сифатлари деб қаралади. Ўқитувчи компетентлиги модели – касбий ва аутопсихологик, умуммаданий ва гуманистик (инсонпарварлик), коммуникатив ва ижтимоий-психологик компетенциялар билан бир қаторда, креатив, инновацион, акмеологик компетенцияларни ҳам, бизнингча эса: ностандарт фикрлашнинг шаклланганлиги, инновацион педагогик стратегияларни эгаллаганлик, педагогик фаолият мазмуни, метод ва воситалари, шарт-шароитлари ўзгаришларига мослашишни ҳам ўз ичига олади.

Ўқитувчи фаолиятида ижодкорлик асослари ва касбий компетентликни замонавий таълим муассасасининг ўқитувчиси шахсининг интегратив тавсифи сифатида ўрганиш ижодий компетентликни ўқитувчининг интегратив касбий-шахсий сифати деб таърифлаш имконини берди, у ўқитувчининг стандарт ва ностандарт педагогик вазиятларда муваффақиятли фаолиятини таъминлайди. Ижодий компетентлик мазмунига умуммаданий эрудиция ва педагогик

фикрлаш, махсус касбий қобилият ва малакалар, ижодий аҳамиятли шахсий фазилятлар мажмуи билан ҳосил қилинадиган ижодий тайёрлик киритилади. Тузилмавий компонентларнинг интеграцияланган ўзаро алоқадорлиги ҳам касбий-ижодий компетентликни тизимли сифат кўринишида тавсифлаш имконини беради.

“Компетентлик” тушунчасининг илмий адабиётларда мавжуд таърифларига асосланган ҳолда, ижодий компетентликни педагогик меҳнат жараёнида амалга ошириладиган касбий билимлар, педагогик моҳирлик ва бўлажак ўқитувчининг ижодий фаолиятга тайёрлиги, синтези, яъни ўзаро белгиланган бирлиги сифатида тасаввур (тақдим) қилинди.

Педагогик малакаларни тизимлаштиришга нисбатан барча ёндашувларни таҳлил қилиш жараёнида малакаларнинг у ёки бу гуруҳлари ўрганилди ва тадқиқотчилар томонидан ижодий малакалар алоҳида ажратилмаслиги аниқланди. Улар педагогик мулоқот ва педагогик техниканинг аналитик-прогностик, лойиҳалаш-рефлексиялаш, йўналганликка оид, ахборот-дидактик малакаларида ҳам, сафарбарлик-ривожлантирувчи ва перцептив-рефлексив малакаларида ҳам кўзга ташланади. Ўқитувчи меҳнатининг маҳсули касбий фаолият мазмуни билан белгиланади ва гностик, лойиҳалаштириш, конструктив, коммуникатив ва ташкилий, таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бундан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчининг ижоди (ижодкорлиги) гностик эканлигини айтиш мумкин. У конструктив, лойиҳалаштириш ва ташкилотчилик вазифаларини ҳал қилишнинг мутлақо янги усулларида таркиб топади ва ўқитувчи ижодий фаолияти тузилмасини ташкил этадиган малакаларнинг маълум тизими билан амалга оширилади.

Ўқитувчининг ижодий компетентлиги алоҳида психологик база, яъни яратишга (ижодга) тайёрлик ёки шахснинг тизимли тузилмаси сифатида эмпатиялилиқ, сезувчанлик (фаросат), ижодий йўналганлик, коммуникативлик, импровизацияга мойиллик билан белгиланади.

Касбий тикланишда яратишга (ижодга) тайёрликдан ижодий компетентликка ўтиш педагогик-психологик эрудиция ва касбий малакалар билан жамликда ақлий ташаббускорликка ўтадиган ақлий фаолликка кўмаклашади.

Ишда ўрганилган ижодий компетентликнинг тузилмавий таркибий қисмлари шундай бирликни ташкил этадики, бунда тизим ҳосил қилувчи омил сифатида ижодий тайёрлик гавдаланади. Ижодий тайёрлик тузилмасини ёритиб, шахсий сифатлар архитектоникасини ажратамиз ва улар орасида эмпатия, рефлексия, сезгирлик (фаросат), креативлик устуворлик қилади.

Ижодий компетентлик таркибий қисмларини ўрганиш жараёнида унинг мезон ва кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Мазкур бобда касбий тикланишда ижодий компетентлик компонентлари, шунингдек, уларнинг тузилмавий элементлари узвий алоқадорликда экани, бири бири билан бирлашиши ва маълум бирлик ҳосил қилиши кўрсатиб берилган. Касбий тикланишда ижодий компетентлик фаолиятининг яхлитлиги тузилмавий компонентларнинг ва мос равишда уларнинг таркибий қисмлари ўзаро таъсири билан тасдиқланади.

Ижодий компетентликнинг таркибий қисмлари

Компонентлар	Мезонлар	Кўрсаткичлар
Касбий-таълимий	Гностик фаоллаштириш	методологик, интеллектуал, тадқиқотчилик, психологик, педагогик, креатив компетенциялар
Фаолиятли- ривожлантирувчи	Технологик мобиллик	эвристик, ташкилотчилик, таълимий, методик, технологик, инновацион компетенциялар
Шахсий-ривожлантирувчи	Ижод қилишга тайёрлик	эмпатия, креативлик, рефлексивлик, сезгирлик (фаросат), коммуникативлик, импровизацияга мойиллик

Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини замонавий босқичда шакллантириш муаммосини ўрганишда қуйидагиларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди: бўлажак ўқитувчи касбий тайёргарлигининг натижадорлигига (фаоллик, тадбиркорлик, ижодий фикрлаш ва шахснинг замонавий жамиятда фаоллашиши); бўлажак ўқитувчининг ижодкор шахс сифатида фаол ривожланишига (жамият ҳаётидаги мураккаб вазиятлар ва муаммолар); мазмунли педагогик таълимга (бўлажак ўқитувчиларнинг реал ва потенциал имкониятлари); бўлажак ўқитувчилар ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнининг махсулдорлигига (замонавий таълим технологияларини саралаш ва самарали қўллаш); бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантириш самарадорлигига (хар томонлама ривожланиш ва шахс психикасининг намоён бўлиши).

Замонавий педагогик таълимнинг стратегик мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак: мутахассис тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, компетенцияларни шакллантиришга қаратилган касбий таълим тизимини яхшилаш, ижодий қобилиятларни индивидуал тарзда ривожлантириш асосида таълим шакллари танлаш (ўз-ўзига таълим, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи такомиллаштириш), таълимнинг инсонпарварликка йўналганлиги; креатив ва инновацион педагогикани жорий қилиш.

Тадқиқотчи томонидан бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштиришнинг қуйидаги принциплари таклиф қилинди: бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнида ривожлантиришни ҳисобга олиш принципи; компетенциявий ва шахсий-ривожлантирувчи ёндашувларнинг ўзаро алоқадорлиги принципи; узлуксизлик ва узвийлик принципи; бўлажак ўқитувчининг умумий ва индивидуал таълимий йўналишига ўзаро алоқадорлиги принципи; касбий

келажакда шахсга йўналтирилган позициянинг мавжудлиги ва педагогик тажрибанинг исталган жиҳатига тайёрлик принципи.

Бу принциплар тадқиқот доирасида педагогик туркум фанларини ўрганиш ва педагогик амалиётни ўташ жараёнида бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантиришни ташкил қилиш тизими сифатида амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш назарияси”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқ қилинаётган педагогик феномен тушунчаси, унинг тузилмаси, асосий компонентлари, функциялари, ижодий компетентлик мезонларини аниқлаштириш, бўлажак ўқитувчиларда уни шакллантиришнинг етакчи тенденциялари, шакллантириш принципларини тавсифлаш асосида ижодий компетентликни шакллантиришнинг муаллифлик технологияси самарадорлиги таҳлил қилинган. Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган касбий педагогик тикланишнинг оптимал тизими моделини қуриш назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Педагогик жараёни ташкил қилар эканмиз, моделни умумпедагогик тайёргарлик тизими ва бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантириш жараёни сифатида илмий асослашга ҳаракат қилдик.

Ижодий компетентликни шакллантириш тизимини моделлаштириш жараёнида педагогик туркум фанларини ўрганиш ва касбий тайёрланишнинг мураккаблигини ҳисобга олиш муҳим. Ҳаммаси назарий, педагогик шарт-шароитлар, амалий ва ижодий компонентлар йиғиндиси асосига қурилган ва дидактик кузатув яратилганида бўлажак ўқитувчининг ижодий ўзини ўзи ривожлантиришига қаратилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчи ижодий компетентлигини шакллантириш модели, асосан, ижодий қобилиятлар ва бўлажак ўқитувчининг педагогик фаолиятда ижодкорликка тайёрлиги ҳисобланишини таъкидлаш муҳим. Касбий тикланишнинг бу тизими педагогик таълимнинг 2-, 3- ва 4-курсида талабаларнинг касбий-таълимий, ўқув-тадқиқотчилик ва илмий-тадқиқотчилик фаолияти йиғиндисини таъминлайди, бўлажак ўқитувчи шахсини янги таълимий стратегия ҳамда технологияларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ қилишга йўналтиради.

Тадқиқотда 2-, 3- ва 4-курсида педагогик жараён мазмуни ёритиб берилдики, у бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш такомиллаштирилган технологиясининг асоси ҳисобланади.

Бошланғич босқич – бакалавриятнинг 2-курсида “Умумий педагогика (Педагогика назарияси ва Педагогика тарихи)” ўқув фанини ўрганишда тажриба-синов иши талабаларни педагогика илми ва ўқитувчилик фаолияти асослари билан таништириш, ўқув-билиш ва изланишли фаолиятни ташкил қилиш ва рағбатлантириш жараёнида амалга оширилди. Талабаларнинг педагогик ўзини ўзи белгилашга, бошланғич тайёрлигига, педагогик машғулотларнинг аксиологик таркибий қисмини кучайтириш ҳисобига эришилди. Шу мақсадда, педагогик тайёрлаш дастури, шарҳловчи маърузалар, талабаларнинг педагогик меҳнатга қадриятли муносабатини аниқлаш бўйича

семинар машғулоти ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилди. Ўрта босқич – бакалавриятнинг 3-курсда экспериментал технология “Умумий педагогика (Педагогик маҳорат)” ўқув фанини ўрганиш ва талабаларнинг бошқариладиган мустақил ишлари доирасида амалга оширилди. Маъруза ва семинар машғулотларининг ўзига хослиги, касбий тикланиш билан боғлиқ барча масалалар педагогик фаолиятга замонавий талаблар ва ҳар бир талабанинг субъектив хусусиятларига мувофиқ ўрганилганидан иборат бўлди. Касбий тикланиш жараёни талабалар кўз ўнгида ижодий компетенцияларни шакллантириш жараёни сифатида гавдалантирилди. Бу босқичда талабаларнинг ўқув-илмий фаолиятда ижодий салоҳиятини такомиллаштиришга кўмаклашадиган, касбий-ижодий ҳамкорлик тажрибасини бойтадиган ўқитиш (креатив ва инновацион) метод, шакл ва технологиялари амалга оширилди. Касбий тикланиш жараёнида ижодий компетентликни шакллантириш технологиясининг ўзига хос (фарқловчи) хусусияти талабаларга турли даражада мураккабликдаги, турли ҳажмдаги ўқув материални педагогик ахборотнинг турли манбалари ва у билан ишлашнинг турли усулларидан фойдаланиб тизимли ўзлаштириш имконини берадиган вариативлик ҳисобланди.

Юқори босқич – бакалавриятнинг 4-курсда тажриба-синов иши маъруза, семинар машғулоти ва талабаларнинг педагогик амалиёт ўташ шароитида, илмий фаолиятга тайёргарлик чоғида талаба-педагог ўзаро ҳамкорлиги жараёнида амалга оширилди.


Компетенциявий ёндашувни ҳисобга олган ҳолда, талабаларда креатив эрудиция, ижодий моҳирлик ва ижодий педагогик фаолиятга тайёрликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва қўлланди.

Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг такомиллаштирилган технологияси модели схематик тарзда келтирилди (2-расмга қаранг) ва Тошкент давлат педагогика университети факультетларида тажриба-синовдан муваффақиятли ўтказилди.

Унда маълум ўзгаришлар қилинган педагогларнинг ижодий компетентлигини шакллантириш шарт-шароитларини асослаш ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг хусусиятлари ва камчиликларини қисқача бўлса ҳам таҳлил қилишни талаб этади. Педагогик кадрларни тайёрлашнинг шаклланган тизими замонавий шароитда ўзини фақат қисман оқламоқда.

Индивидуал таълимий йўналишлар муайян таълим олувчининг педагогик ихтисослик бўйича умумий таълимий траектория бўйича ҳаракатлари хусусиятларини акс эттиради, бу субъектларнинг индивидуал ўзига хослиги ва таълим муҳити сифати билан белгиланган.

Тор доирадаги профессионализмни ривожлантириш, фан ўқитувчисини фақат фанга оид махсус яхши билимларга эга бўлган мутахассис сифатида тасаввур қилиш уни маълум маънода чекланган, касбий индифферент қилиб қўяди, янги факт ва ҳодисаларга қарашлар тўлиқлигидан маҳрум қилади.



1-расм. Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш жараёнида касбий тикланиш тизими

Педагог билишга оид вазифалар, муаммолар, назариялар ва методикаларнинг янги типларини ўзлаштиришга кам даражада қодир бўлиб қолади.

Шу пайтгача кўплаб педагогика олий таълим муассасалари (ОТМ) тарбияланувчининг ҳаёт ва шахсининг тикланиш шарт-шароитлари сифатида

ривожлантирувчи ва тарбияловчи муҳитни яратишга қодир бўлган мутахассис тайёрлашга эмас, балки фан ўқитувчиси – ўқув ахбороти ташувчиси ва унинг ўзлаштирилиши назоратчисини тайёрлашга йўналганлик олганича қолмоқда. Талаба, аввалгидек, педагогик қайта ишлаб чиқариш оммавий жараёнининг объекти сифатида қаралмоқда, унинг ижодий индивидуаллиги шакллантирилмаяпти, аввалгидек, бўлажак мутахассисни “донабай” тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратилмаган.

Тошкент давлат педагогика университети, Қарши давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтида талабаларни кўп йиллик кузатиш натижасида ишонч ҳосил қилдикки, агар педагогик жараён фақат фундаментал ва амалий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган бўлса, продуктив педагогик фаолият муаммоларини самарали ҳал қилишга қодир бўлган фан ўқитувчисини тайёрлай олмайди.

Ҳатто жуда яхши билимга эга бўлган талабалар ҳам, баъзан, уларни ўз фаолият усулларига трансформациялашни уддалай олмайди. ОТМда педагогик жараён кўпинча талабаларга ўқув-тарбиявий ишни “қандай олиб бориш кераклиги, ўқувчилар, ота-оналар билан “қандай ишлаш керак”лиги ва ҳ.к.ларни тушунтиришга йўналтирилган. Бўлажак фан ўқитувчилари ўз интеллектуал қобилиятлари даражасида бу барча “керак”ларни ўзлаштиради, аммо чинакамига “керагидек” ишлай олмайди. Бу ўқитувчиларни тайёрлашда ечимини топмаган қарама-қаршилиқлар мавжудлигига яна бир далолатдир.


Талабалар – бўлажак фан ўқитувчиларининг касбий-ижодий компетентлигини шакллантириш самарадорлиги кичик курсларда таълим жараёнини субъектлик ва касбий-фаолиятли таълим принциплари асосида ташкил қилишга боғлиқ. Қуйи курс талабаларининг ижодий компетентлигини шакллантиришда талабалар томонидан касбий шахс ва фаолият эталонлари ўзлаштирилади, сифатли илмий-методик рефлексия билан ишлаб чиқариш амалиётига эрта жалб қилиш, шунингдек, талабаларни фан ўқитувчиларининг шахси ва фаолиятини тадқиқ қилишга жалб этиш ҳисобига таъминланди.

Ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясида креатив методлар мажмуаси: яширин ақлий ҳужум, синектика, Алекс Осборннинг “Ақлий штурм”, рефрейминг, “Эдвард де Бононинг Олти шляпаси”, Харрисон Оуэннинг “Open space”, Чарльз Лендринг “Чархпалак”, талабаларнинг мустақил илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ахборот-методик таъминлаш методи, талабаларнинг мустақил ишларидан фойдаланилди.

“Маҳорат қирралари” талабалар касбий тўғараги иш жараёнида талабаларнинг ижодий ўзини ўзи ривожлантиришини рағбатлантирадиган креатив ва инновацион педагогика бўйича маърузалар; педагогик меҳнатга ижодий тайёрликни ривожлантириш бўйича практикум; касбий тикланишда ижодий малака ва қобилиятларни ривожлантириш ва бойитиш бўйича тренинглар ўтказилди.

Талабаларни педагогик маҳорат ва ижодкорликка ўргатишнинг қатъий бўлмаган алгоритмларини қўллаш натижаларини ўрганиш бўлажак

Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш



2-расм. Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологияси модели

ўқитувчининг ижодий компетентлигини ривожлантиришда ижобий динамикани аниқлаш имконини берди.

“Бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган учинчи бобда тадқиқот давомида аниқланган, педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш самарадорлигини таъминлайдиган шарт-шароитлар умумлаштирилган, ўқитувчи ижодий компетентлиги ривожланганлик даражасини баҳолаш учун қўлланадиган диагностик комплекс, технология самарадорлиги ва педагогик шарт-шароитлар йиғиндисини экспериментал ўрганиш натижалари, шунингдек, бўлажак ўқитувчининг ижодий компетентлигини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишининг бориши ва натижалари таҳлили келтирилган.

Тадқиқот мавзусига мувофиқ тажриба-синов майдончалари сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Чақирикқача ҳарбий таълим” ва “Чет тиллар”, Қарши давлат университетининг “Мактабгача ва бошланғич таълим”, Қўқон давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим методикаси” факультетлари танланди.

Тажриба-синов ишига санаб ўтилган ОТМларнинг 204 нафар 2-, 3- ва 4-курс талабалари ҳамда 20 нафар ўқитувчилари жалб қилинди. Респондент-талабалар сиртдан тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Натижада, тажриба гуруҳларида 101 нафар, назорат гуруҳларида 103 нафар талабалар иштирок этдилар.

Тадқиқот жараёнида таклиф қилинган технологияни амалга ошириш самарадорлиги педагогик шарт-шароитлар мажмуасини яратиш билан боғлиқлиги исботланди. Ижодий компетентликни ривожлантириш шарт-шароитлари деганда талабаларнинг креатив саводхонлик, ижодий қобилият ва малакалар, ижодий педагогик фаолият, мулоқот ва шахсий ўзини ўзи ривожлантиришга тайёрликнинг тобора юқори даражасига уларнинг органик ўзаро алоқадорлиги ва бирлигида эришишини таъминлайдиган зарур ва етарли чоралар йиғиндиси назарда тутилади.

Тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчиларининг ижодий компетентлигини шакллантиришнинг бутун жараёни таҳлили бўлажак ўқитувчининг ўрганилаётган сифати ривожланганлигининг юқори, ўрта ва паст даражаларини фарқлаш имконини берди.

Биз томонимиздан, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий компетентлигини (креатив эрудиция, ижодий моҳирлик, ижодий тайёрлик) шакллантириш мезонлари ва даража кўрсаткичлари аниқланди. Ижодий компетентликни шакллантириш даражаларини бешта индикаторда акс эттирдик. Ижодий компетентликнинг ривожланганлик даражасини ўлчашнинг статистик объективлигини таъминлаш учун сифатлар ифодаланганлиги ҳамда билим ва малакалар шаклланганлигини гуруҳли баҳолашда қўлланилди.

Тақдим қилинган ижодий компетентлик шаклланганлик мезонларининг юқори даражасида бўлажак педагогик туркум фанларини назарий жиҳатдан ўзлаштирганлиги, креатив ва инновацион педагогикани билиш билан бойитилган ўқитувчи педагогик эрудициясининг кенглигини белгилайди.

Ижодий компетентлик шаклланишининг ўрта даражаси педагогик туркум фанларини билиш ва ижодий педагогик малакаларни эгаллашга интилишнинг етарлича эмаслиги (суствлиги) билан тавсифланади, талаба назария ва амалиётга мослашувда бир маромдаги натижаларни қайд этади.

Ижодий компетентлик шаклланишининг паст даражаси педагогик касб асосларини эгаллаганлик ҳамда назария ва амалиётда маълум таълим шакллари, метод ва воситаларини қўллаш, педагогик туркум фанлари соҳасида ўз билимларини чуқурлаштиришни истамасликда ўз ифодасини топади.

Диагностик дастурдан фойдаланган ҳолда ижодий компетентликнинг шаклланиганлик даражалари мезонлар ва кўрсаткичлар бўйича ўрганилди ва ҳам тажриба, ҳам назорат гуруҳларида бошланғич даражаси аниқланди. Шунингдек, агар талаба зарурий касбий билимлар ва педагогик фаолият кўникмаларига эга бўлса, уларни бўлажак ўқитувчи сифатида эгаллаши аниқланди. Талабада касбий муҳим шахсий сифатлар ривожланганлиги, яъни педагогик фаолиятга ижодий тайёрликка боғлиқ.

Кузатишларга асосланиб, хулоса қилиш мумкин, талабаларнинг катта қисмида анъанавий оддий идрок унинг воқеликни ноадекват акс эттириш камчилиги билан устунлик қилади.

Талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини педагогик ташхислаш педагогик-психологик вазифа ва топшириқларни бажариш бўйича мустақил ишларни таҳлил қилиш, шунингдек, талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиёти жараёнида бевосита педагогик мониторинг йўли билан амалга оширилди.

Диагностик практикум жараёнида талабаларнинг лойиҳалаштириш малакалари даражалари аниқланди. Лойиҳалаштириш фаолияти моделлаштириш, конструкциялаш ва лойиҳалаштиришдан иборат.

Лойиҳалаштириш характеридаги топшириқлар, масалан, “Кейс-топшириқлар тузиш”да мақсадни белгилаш ва моделлаштириш малакалари, модель асосида эса, педагогик жараённи прогнозлаш малакаларини ташхислашни назарда тутди.

У ёки бу “лойиҳа”ни баҳолашнинг навбатдаги мезони сифатида ўқув-тарбиявий жараённи ўзгартириш усули хизмат қилди.

Талабалар томонидан лойиҳалаштиришнинг диагностика қилиниши лойиҳани деталлаштириш, уни ўқув ва педагогик фаолиятнинг реал шароитларига яқинлаштириш асосида конкретлаштириш малакалари бўйича ташхисланди.

4-курс талабаларининг амалиёти педагогик мониторинги махсус ишлаб чиқилган кузатишлар харитаси (А.В.Туголмин) бўйича амалга оширилди. Унда бошқалар қаторида тадқиқотчилик малакаларини баҳолаш мезонлари сифатида тадқиқотчилик кузатув малакалари, педагогик вазиятларга ўйлаб баҳо бериш малакалари, ғояни илгари суриш, ўз фаолиятини фарозга мувофиқ режалаштириш ва реализациялаш малакалари хизмат қилди.

